ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛНИНГ ҲАР КУНИ УНУМЛИ БЎЛСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 8 (5357).

11 ЯНВАРЬ ШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз механизаторлари қишлоқ хўжалик техника ремонтини уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Ҳозир 22 та чопиқ трактори, 15 та сеялка, 90 жуфт борона, 22 та культиватор ремонтдан чиқариб қўйилди. СУРАТЛАРДА: (юқорида) илғор механизатор ОЧИЛ ОРЗИҚУЛОВ, (ўртада) ремонтдан чиқарилган тракторлар, (пастда чапдан) СУЮН ГОЙИБНАЗАРОВ ва ЙЎЛДОШ НОСИРОВЛАР ремонтда алоҳида намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Ж. Тўраев фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ПАХТАКОР РАЙОН КОМИТЕТИГА, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ПАХТАКОР РАЙОН СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қўриқ Пахтакор райони совхозларининг ишчиларини, барча меҳнатчиларини меҳнатда эришилган катта муваффақият—давлатга пахта сотиш беш йиллик халқ хўжалиги планини 105,9 процент бажарганлиги билан самимий қутлайдилар.

Тўрт йил мобайнида тайёрлов пунктларига 232 минг тониядан кўпроқ пахта етказиб берилди. Бу эса беш йиллик халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан 13 минг тонна кўпдир. Тайёрланган бутун пахтанинг 181 минг тоннаси ёки 78 процентн пахта териш машиналари билан йиғиштириб олинди.

Бу муваффақиятларга район пахтакорлари, механизаторлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, барча меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати натижасида, қишлоқда катта ташкилотчилик иши ва сиёсий иш олиб борилганлиги натижасида эришилди.

«Ҳурмат белгиси» орденли «Самарқанд», Кичанов номли, «Пахтакор», Акмал Икромов номли совхозлар давлатга пахта сотиш беш йиллик халқ хўжалик планларини муддатидан илгари бажардилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Пахтакор районининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан социалистик мусобақани авж олдирадилар. 1975 йил ҳосили учун тайёргарлик ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказадилар ҳамда чорва қишловини намунали ташкил этадилар, катта резервлардан фойдаланиб, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантиришни таъминлайдилар, КПСС XXIV съезднинг улуғвор режаларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

Ёшлар ижоди равнақ топсин

Совет кишисини юксак коммунистик идеаллар руҳида тарбиялаш, янги инсонни камол топтиришда адабиёт ва санъатнинг роли бениҳоя ошиб бормоқда. Бизнинг адабиёт ва санъатимиз ўзининг ғоявий етуклиги, бадиий қуввати, жозиба кучи, инсон маънавий ҳаётига фаол таъсир кўрсатиши билан улкан ҳурмат қозонган.

Партия ва ҳукуматимиз адабиёт ҳамда санъатимизнинг янада равнақ топиши ва унинг таъсир кучининг тўхтовсиз юксалиши учун доимий ғамхўрлик қилмоқдалар. Бундан икки йил муқаддам КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий танқидчилик ҳақида» қабул қилган қарори ижодий ташкилотлар фаолиятини яхшилашда муҳим босқич бўлди. Мазкур қарорда партия комитетлари, маданият муассасалари, ижодий союзлар, матбуот органлари КПСС XXIV съездининг адабий-бадиий танқидчилик савияснни ошириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш йўлидаги фаолиятларини кучайтирганликлари таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ёш бадиий зиёлилар билан ишлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарори ёш ижодкорларни тарбиялаш ва камолотга етказишда ғоят катта аҳамиятга эгадир. Қарорда айтилишича, партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари, ижодий союзлар ва ташкилотлар, маданият идоралари ва муассасаларн адабиёт ва санъатни ривожлантириш масалалари юзасидан партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети қарорларини бажара бориб, ёш бадиий зиёлилар билан ишлашни анча яхшиладилар. Ижодкор ёшларни ғоявийлик, ватанпарварлик, интернационализм руҳида тарбиялаш кучайди, уларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги ошди. Умид бахш этувчи ёшларнинг сафлари анча ўсди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ёш бадиий зиёлилар билан ишлашни янада яхшилаш тўғрисидаги масалани алоҳида кўриб чиқиши ва бу ҳақда махсус қарор қабул қилиши республикамиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Қарорда республикамиз ёш ижодкорлари тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилишнинг янги вазифалари ва тадбирлари кўрсатиб берилди. Унда ижод гулзанига энди қадам қўйиб келаётган ёш талант соҳибларининг камол топиши, ижодий чўққиларга парвоз этиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Бепоён мамлакатимизда, шу жумладан, бизнинг серқуёш диёримизда ажойиб ёш ижодкорлар авлоди етишиб чиқмоқда. Адабиёт соҳасида ҳам, санъат соҳасида ҳам ўз ишлари билан элга манзур бўлган ёш истеъдод эгаларини фахрланиб тилга оламиз. Нашр этилаётган бадиий асарлар, саҳнага қўйилаётган ва экранга чиқарилаётган улкан ҳаёт лавҳалари муаллифлари сафида ёш ижодкорлар номларини ҳам ўқиймиз.

Буюк доҳиймиз В. И. Ленин санъат ҳақида сўз юритиб бундай деган эди: «Санъат халқники. Санъат кенг меҳнаткашлар оммаси ичида чуқур илдиз отиши керак. Санъат шу оммага тушунарли бўлиши ва шу омма томонидан севилиши лозим. Санъат шу омманинг туйғусини, фикрини ва иродасини бирлаштириши, оммани кўтариши керак». Доҳийнинг бу сўзлари адабиёт ва санъатнинг ғоявий-бадиий юксаклигини тинмай равнақ топтиришга қаратилгандир. Адабиёт ва санъат идеология ишларимизнинг муҳим соҳаси бўлиб, катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарорида ёш ижодкорларнинг биринчи асарларини тўплаб нашр этиш, улар ҳақида фикрлар айтиб, камолот топишлари учун кўмаклашиш, ижодий шароитларини яхшилаш ҳақида тегишли ташкилотларга кўрсатмалар берилган. Бу тадбирлар ёш ижодкорларнинг янги-янги асарлар яратишга, ўзларининг меҳнат савияларини тинмай оширишга илҳомлантиради.

Улкан қалб эгаси бўлмай туриб, элимизнинг улкан қалбини асарда мадҳ этиш мумкин эмас. Юксак дидли, талабчан халқимиз қалам соҳибларидан, шу жумладан, ёш ижодкорлардан ёрқин ижодий полотнолар кутмоқда. Бунинг учун эса юксак билим эгаси бўлиш керак. Қарорда ижодий ташкилотлар ва ёш ижодкорлар олдига бир қанча муҳим талаблар қўйилган ҳамда ёш бадиий зиёлиларни ғоявий тарбиялаш ва профессионал маҳоратларини ошириш масалаларига катта эътибор берилган. Ижодкор ўз устида қунт билан ишлаб, ғоявий жиҳатдан чиниқиб, бадиий маҳоратини тинмай ошириб борса, у умри узоқ асарлар ярата олиши мумкин. Шунинг учун устозлар ижодидан бахрамand бўлиб, замонамиз қаҳрамонларининг беқиёс жасоратларини ўрганиб, улар ҳақида элга манзур бўладиган асарлар яратиш қалам соҳиблари олдида турган шарафли вазифалардир.

Республикамиз пойтахтида, шунингдек областимиз шаҳарлари ва қишлоқларида талантли ёшлар кўп. Ижодий давралар, бадиий гулдаста асарлар, «Марҳабо талантлар» чиқишларн қувончли воқеадир. Ана шу янги ижод ниҳолларини авайлаб парвариш этиш, уларнинг келажакда кенг қанот ёзишларига имконият яратиш ижодий ташкилотларнинг жанговар бурчидир.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзида республика ёш ёзувчилари семинари ишлаб турипти. Бу семинарга Тошкент шаҳридаги ва областимиздаги ёш қаламкашлар қатнашмоқдалар. Семинар машғулотлари ёш ижодкорларга тажриба мактаби бўлиб, уларнинг истеъдодларини ўстириб, камол топтиришда ижобий роль ўйнаяпти. Лекин бу семинар ҳамма вақт ҳам юқори савияда ўтаяпти, деб бўлмайди. Унда атоқли ёзувчилар ўз тажрибалари билан кам ўртоқлашадилар. Маҳорат мавзуида фикр олишувлар мунтазам бўлиб турмайди. Шунингдек, бу семинарларда қатнашиб келаётган ёш қалам соҳибларининг ижодий асарлари атрофлича, қунт билан таҳлил этилмаяпти.

Улкан, гўзал ҳаётимиз, дилларга илҳом бағишлаб, тилларни қўшиққа ундайди. Шунинг учун ҳам республика ёзувчилар союзининг консультация бюросига, газета ва журналлар редакцияларига, нашриётларга ёш ҳаваскорлар ўз асарларини тез-тез олиб келиб, маслаҳатлар олиб турмоқдалар. Уларнинг ҳаммасини, албатта, олмос қиррали ижод эгалари деб бўлмайди. Лекин улар орасида, шубҳасиз, умидли ижодкорлар борлигига кишн ишонч ҳосил қилади. Ана шу умидли ёш ижодкорларни топиш ва уларни тарбиялаб, вояга етказишни ижодий ташкилотлар асло унутмасликлари керак.

Гуллардан чаманзорлар барпо бўлганидек, ижод ҳам эътибор билан булоқ кўзидек мавж уриб, элнинг маънавий озуғига айланади. Шунинг учун ёш ижодкорлар тўғрисида ғамхўрликни тобора кучайтириб, уларга тегишли шарт-шароитлар яратиб берайлик.

Ёшлар — келажагимиз. Коммунистик қурилишнинг навқирон бунёдкорлари. Ижодий камолот йўлида уларга янги муваффақиятлар тилаймиз.

БИНОКОРЛАР, СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАНГ

«Главташкентстрой» бош бошқармаси бинокорларининг 1974 йилги ишлари натижаси анча қувончли бўлди. Ўнлаб саноат объектлари, улкан иншоотлар, юзлаб уйлар, болалар боғча ва яслилари, касалхоналар, поликлиникалар ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди.

1974 йилда коллектив бош пудрат бўйича планни 104,1 процент, шу жумладан ўз кучлари билан 105,3 процент қилиб бажарди. Пландагидан ташқари 9,6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Уй-жой, мактаб, мактабгача болалар муассасалари қурилиши бўйича планлар адо этилди.

522 минг квадрат метр сатҳли уй-жой майдони, 9560 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 3780 ўринли болалар боғчалари фойдаланишга топширилди.

«Главташкентстрой» бинокорлари тўққизинчи беш йилликнинг тўрт йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажардилар. Бош пудрат бўйича тўрт йиллик план 102 процент қилиб адо этилди. Уй-жойлар, мактаблар ва болалар боғчаларини фойдаланишга топшириш бўйича шу муддат учун белгиланган план ортиғи билан адо этилди.

Саноат корхоналари бошқармаси коллективи муваффақиятли ишлади. 83 миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти реализация қилинди, 715 минг кубометрга яқин йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари тайёрланди.

Бош бошқармага қарашли қатор бинокорлик ташкилотлари коллективлари давлат планларини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ана шундай илғорлар сафида «Висотстрой» қурилиш тресті (бошқарувчиси В. И. Колесников), 159-қурилиш трести (бошқарувчиси Е. П. Кириенко), уй-жой қурилиши трести (бошқарувчиси Л. З. Тоиров), Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати (бошлиғи З. Р. Рустамов), қурилиш механизацияси трести (бошқарувчиси Н. И. Ҳакимов), транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси (бошлиғи С. П. Василенко), саноат корхоналари бошқармаси (бошлиғи В. Ф. Гауфлер) коллективлари бор. 26-қурилиш бошқармаси, Тошкент уйсозлик комбинати, 2-монтаж бошқармаси, пардозлаш трестининг 28-қурилиш бошқармаси, «Таштранспецстрой» трестининг 2-қурилиш бошқармаси, транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг авторемонт заводи ва бошқа кўпгина корхоналар ва ташкилотлар коллективлари йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар, қўшимча юзларча минг сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирдилар.

«Главташкентстрой» коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан 1975 йил қурилиш-монтаж ишлари планини бош пудрат бўйича 21 октябргача бажариш ва беш йиллик планидагидан ташқари 50 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга қарор қилдилар.

Уй-жой ва мактабгача болалар муассасалари қурилиши планини 7 ноябргача бажаришга қарор қилинди, қўшимча 4,2 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади. Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг бутун ортишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ область комитети 1975 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни амалга ошириш якунларини кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ область комитетининг кўчма Қизил байроғи 1975 йил ҳосили учун январнинг биринчи ўн кунлигида кузги-қишки ишларнинг бажарилишида юксак кўрсаткичларга эришган **Калинин райони** (район партия комитетининг секретари **И. Я. Деревянко**, район ижроия комитетининг раиси **Б. С. Тошхўжаев**, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ишчи ва хизматчилари район касаба союзлари комитетининг раиси **С. Исмонлов**, район комсомол комитетининг секретари **К. Тошмуҳамедов**, қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **С. Н. Назаров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **В. С. Коленко**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва сифат бўйича давлат бош инспектори **Э. Х. Халилов**, суғориш тармоқлари бошқармаси бошлиғи **Л. Мухамедназаров**, кузги-қишки тадбирларни назорат қилиш оператив группа раҳбари **Д. А. Айтқулов** ўртоқлар)га берилди.

Байроқ Оҳангарон районидан олиб берилади.

1975 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни амалга оширишда Оҳангарон, Янгийўл ва Бўстонлиқ районларининг яхши ишлаганликлари таъкидлаб ўтилди.

Кузги-қишки ишлар қониқарсиз бажарилаётганлигига Қуйи Чирчиқ районининг эътибори жалб қилинди.

Область матлубот жамиятига Калинин районига совхозлар, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ёки суғориш тармоқлари район бошқармасининг илғор ишчиларига сотиш учун битта енгил автомашина ажратиш топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН «УЗСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТАЖРИБА РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1975 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент тажриба ремонт-механика заводи коллективи КПСС XXIV съезднинг қарорларини амалга ошира бориб, 1974 йилги планни муваффақиятли бажарди. Топширикдан ташқари 275 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди, пландаги 4500 ўрнига 5177 та трактор двигатели, шу жумладан мотор ресурси оширилган 3214 та трактор мотори ремонт қилинди. Беш йилликнинг тўрт йили плани 1974 йилнинг 1 сентябригача бажарилди. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 10,7 процент ошди. Маҳсулот реализация қилиш юзасидан социалистик мажбуриятлар 102 процент, меҳнат унумдорлиги жиҳатидан 110,1 процент бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил Декабрь пленуми ҳамда СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қарорларидан илҳомланган завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари тўққизинчи беш йилликнинг туғалловчи йилини, Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 30 йиллигини меҳнатда янги-янги ютуқлар билан нишонлашни ўзларининг ватанпарварлик бурчлари, деб ҳисоблаяптилар.

Завод коллективи КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олади:

— 180 йиллик план 1975 йилнинг 1 июлигача, шу йилга йиллик план эса 25 декабргача бажарилади.

— 1975 йилда пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Белгиланган топширикдан ташқари 40 та трактор двигатели ремонтдан чиқарилади. Меҳнат унумдорлиги 0,5 процент оширилади;

— 30 та рационализаторлик таклифини жорий этиш ҳисобига шу йил 18 минг сўмлик иқтисодий самара олинади;

— ташкилий техник тадбирлари комплексини жорий этиш, материаллар, запас қисмлар, электр энергилни рационал ва тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига 1975 йилда 15 тонна қора металл, 20 минг киловатт соат электр энергияси тежалиши таъминланади.

Завод ички резервларидан янада тўлароқ фойдаланиш ҳамда тўққизинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришга коллективни сафарбар этиш мақсадларида 50 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш юзасидан мукобил план қабул қилади.

Социалистик мажбурият коллектив йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 11-«ВИСОТСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ 11-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1975 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

11-«Висотстрой» трести коллективи Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаб, КПСС XXIV съезди директивларининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшишга интилиб, 1974 йил планини муддатидан илгари, 1 октябрда бажарди. Қурувчилар КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленумининг, СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини баланд руҳ билан маъқуллаб, беш йилликнинг якунловчи йилида ўз куч-ғайратларини экономикани ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омили бўлган меҳнат Унумдорлигини тинимсиз оширишга, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришга, механизмлардан тўла фойдаланишга, хомашё, материаллар, электр энергия, ёқилғини бутун чоралар билан тежашга, объектларни барвақт ишга туширишга, қурилиш сифатини тобора оширишга қаратадилар.

Трест коллективи ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олади:

қурилиш-монтаж ишлари ҳажми юзасидан беш йиллик планни 15 декабрда, 1975 йил планини эса 20 декабргача бажарамиз. Йил охиригача қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан қўшимча 500 минг сўмлик муқобил план қабул қиламиз.

«Ўзбекнефть» бинасини июнь ойида, «Узгипроавтодор», «Средазницветмет», «Узгипрокоммуннжпроект» биноларини 7 ноябргача ёки муддатидан икки ой олдин: 600 ўринли меҳмонхонани 5 декабргача, муддатидан олдин фойдаланишга топширамиз. В. И. Ленин номли майдондаги 20 қаватли бинонинг «Б» зонасини ва болалар паркини Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 30 йиллигигача ишга туширамиз.

Қурилишни бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириб, меҳнатни илмий ташкил этишни жорий қилиб, меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан 0,2 процент оширамиз. Ўз кучимиз билан бажарадиган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ўстиришнинг 86 процентига ходимларнинг сонини кўпайтирмай эришамиз.

Индустрлаштириш ва механизациялаштириш даражасини ошириш, иш вақтининг нобуд бўлишини тугатиш асосида қурилиш-монтаж ишларининг таннархини топширикда кўзда тутилганига нисбатан 0,1 процент камайтирамиз.

Прогрессив материаллар ва конструкцияларни қўлланиш, технологияга қатъий риоя қилиш йўли билан ишларнинг сифатини яхшилаймиз. Барча объектларни камида «яхши» баҳолар билан фойдаланишга топширамиз.

Янги техникани, прогрессив технологияни, тармоқ планлаштиришни жорий этиш ҳисобига 300 минг сўм миқдорида иқтисодий самарага эришамиз. Рационализаторлик таклифларини жорий қилишдан 220 минг сўм тежам оламиз.

Энг муҳим еттита объектда қурилиш ишларини тиғиз график асосида олиб борамиз.

30 минг сўмлик бинокорлик материалларини, шу жумладан 60 тонна металлни, 100 куб метр ёғоч-тахтани, 180 тонна цементни, 90 минг дона ғиштни тежаймиз ва тежаб қолинган материаллар ҳисобига 40 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарамиз.

Ишбай усулида ишловчи ишчиларнинг камида 75 процентини меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд ва аккорд-мукофот системаси билан қамраб оламиз. 10 бригадани Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. А. Злобин методи асосида хўжалик ҳисобига ўтказамиз. Хавфсизлик техникаси қоидаларини бузмай, пикастга ва авариягa йўл қўймай, «Главмосстрой»нинг Алексей Басов бригадаси сингари ишлаймиз.

157 кишига қўшимча қурилиш касбларини ўргатамиз ва 223 ишчининг малакасини оширамиз.

Трест коллективи ўзининг бутун кучи, билими ва тажрибасини тўқизинчи беш йиллик топшириқларини бажаришга сарфлайди, деб КПСС ленинчи Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматини ишонтиради.

Ушбу социалистик мажбуриятлар 11-«Висотстрой» қурилиш трестининг партия-хўжалик активи йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

МАҲАЛЛИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЁРДАМ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини меҳнаткашларга тушунтириш учун агитация-пропаганда группаларини республика шаҳар ва районларига юборди. Группалар составида партия ва совет ходимлари, олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари бор

(ЎзТАГ).

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҚАҲРАМОН ШАҲАРЛАР ШАРАФИГА

СУРАТДА: митинг қатнашчилари.

Фашистлар устидан қозонилган буюк ғалабанинг 30 йиллиги нишонланадиган кун яқинлашмоқда. Улуғ Ватан урушидаги йилларида юксак жасорат ва матонат кўрсатган шаҳарларга Қаҳрамон-шаҳар унвони берилган: Москва, Ленинград, Киев, Минск, Волгоград, Новороссийск, Керчь, Одесса, Севастополь, Брест...

Пойтахтимиздаги илғор саноат корхоналарининг коллективлари Буюк Ғалабани муносиб кутиб олиш учун яхши ташаббус бошладилар. Ўтган куни шу ташаббусни «Таштекстильмаш» заводининг меҳнат аҳли ҳам қўллаб-қувватлади. Кеча 3-механика цехининг коллективи зарбдор декада меҳнат вахтасини бошлаб берди.

Шу муносабат билан цехда кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Цех партия ташкилотининг секретари В. Исангулов митингни кириш сўзи билан очди. У заводда 10 та қаҳрамон шаҳар шарафига эълон қилинган 10 зарбдор декадани биринчи бўлиб ўз коллективи бошлаб бераётганини фахрланиб тилга олди. Сўнг Улуғ Ватан уруши ветерани, кекса ишчи Георгий Константинович Масловга сўз берилди.

— Цехимиз эртадан бошлаб қаҳрамон шаҳар, Ватанимиз пойтахти Москва шарафига зарбдор декадани бошлайди, — деди у. — 10 та қаҳрамон шаҳар шарафига меҳнат вахтасида тўриш ниҳоятда қувончлидир. Жонажон Совет Ватанимиз қудратини исботлаш, муқаддас тупроғимизни дунёга чанг солиб келаётган фашистларнинг ифлос қадамидан тозалаш учун озмунча кишиларимиз жонини фидо қилдими? Бизнинг бугунги ишимиз ана шу қаҳрамонлар хотирасини улуғлашдир. Биз Ватанимиз мудофаа қудратини бундан буён янада мустаҳкамлаш учун зарбдор декаданинг бир кунида бепул ишлаб, тўпган маблағни Тинчлик фондига юборамиз.

— Урушнинг асорати ҳали тугаганича йўқ, — деди оналар номидан сўзга чиққан пармаловчи Зинаида Евдокимовна. — Мен бунда оналарнинг қалб ярасини назарда тутяпман. Баъзи оналар уч-тўрт ўғлонидан, айримлари эса ёлғиз фарзандидан жудо бўлди.

Менинг ҳозир уч фарзандим бор. Бахтли замонда яшаяпмиз. Турмушимдан мамнуман. Шу фарзандларим кўз ёши тўкилмасин, улар уруш даҳшатларини кўришмасин. Мана шу йўлда биз зарбдор вахтага туряпмиз. Бизнинг ҳозирги фаровон ҳаётга эришишимизда раҳнамолик қилаётган партиямизга, тинчлик учун толмас курашчи Леонид Ильич Брежневга оналар номидан миннатдорчилик изҳор этаман.

Шундан кейин сўз пармаловчи Талғат Сафаргалиевга берилди. Бу кекса ишчи уруш давридан бери шу цехда меҳнат қилиб келмоқда.

— Ватан мудофааси учун курраш йилларида ҳамма нарса фронт учун сафарбар этилган эди. Жумладан, биз ҳам корхонамизда фронтга қурол-аслаҳалар ишлаб чиқарардик. Коллективимиз тайёрлаган миналар немис босқинчиларига қирон келтириб турарди. Мана энди эса Ватанимиз жаҳонда тараққиётнинг беқиёс чўққиларига кўтарилди. Бунда жамиятнинг авангард синфи — ишчиларнинг ҳиссаси катта. Мен ажойиб ташаббусни қувватлайман.

— Ёшлар келажагимиз, ёшлар ишимизнинг давомчилари, улар коммунизм қурувчилари дейишади, — деди ёшлар номидан сўзга чиққан кранчи Валя Юрлова. — Биз аввало, шундай бахтиёр замонда яшаётганимиз учун ота-боболаримиздан хурсандмиз ва улар олдида ҳамиша қарздормиз. Бизнинг авлод уруш даҳшатларини кўрмади, лекин ғалабанинг қанчалик қимматга тушганлигини яхши биламиз. Биз оталарнинг жанговар, мардона эстафетасини мамнуният билан қабул қилиб, уни келгуси авлодга шараф билан элтамиз. Цехимизнинг қаҳрамон шаҳарлар шарафига бошланган зарбдор ўн декадада биринчи бўлиб меҳнат вахтасида туриши билан фахрланса арзийди.

«Таштекстильмаш» заводи республикамиздагина эмас, Иттифоқда танилган йириқ саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик машиналари чет элларда ҳам катта шуҳрат қозонган. Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида бундан бирнеча йил муқаддам олтин медаль билан тақдирланган «ПК-100М» йигируз-ўраш машиналарини саноати юксак тараққий этган капиталистик мамлакатлар ҳам сотиб олмоқда.

3-механика цехи коллективи Москва шарафига эълон қилинган зарбдор ўн кунлик меҳнат вахтасида ана шундай машиналардан 25 та, «Р-192-3» маркали пиликлаш машиналаридан 50 та ишлаб чиқаришга аҳд қилди. План бўйича эса жами 56 та машина ишлаб чиқариш кўзда тутилган эди. Улар 11 январда тинчлик фондига ишлайдилар. Цехда юзлаб Коммунистик меҳнат зарбдордари бор. «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери В. Ражанников, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ф. Вологин, завод «Ҳурмат китоби»га номи ёзилган М. Аҳмедовлар ҳозирги кунларда келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Шундай зарбдор кишилар билан корхонада пешқадам ҳисобланган бу цех коллективи Москва шарафига эълон қилинган зарбдор декада мажбуриятини албатта ортиги билан адо этади.

Улар эстафетани 20 январда 1-механика цехи коллективига топширадилар. Бу коллектив Қаҳрамон шаҳар Ленинград шарафига зарбдор декада эълон қилади. Кейин эса эстафетани навбатдаги цехларнинг коллективлари қабул қилиб Одесса, Севастополь, Киев, Волгоград, Новороссийск, Брест, Минск, Керчь шаҳарлари шарафига бағишланган зарбдор уч кунлик вахтасида турадилар.

Х. ОЛИМЖОНОВ.

Г. МАСЛОВ.

В. ЮРЛОВА.



Т. САФАРГАЛИЕВ.

А. Ҳачатурян фотолари.

ЛЕКТОРЛАР МАЛАКАЛАРИНИ ОШИРМОҚДАЛАР

Лекция пропагандасини ташкил этишни янада яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларига бағишлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан чақирилган партия комитетлари лекторларининг семинар-кенгаши 10 январда Тошкентда ўз ишини тамомлади. Семинар-кенгаш беш кун давом этди.

Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари Х. А. Хўжаев семинар иштирокчиларига партия Марказий Комитетининг 1974 йилги декабрь Пленуми қарори ва КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига мурожаатида илгари сурилган вазифалар асосида тўққизинчи беш йиллик да республика экономикасининг кандай ривожланиши тўғрисида гапириб берди. Идеология ишининг энг муҳим тарқибий қисми бўлган интернационал тарбия тўғрисида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Х. Т. Турсуновнинг, ҳозирги шароитда иқтисодий билимларни пропаганда қилиш тўғрисида республика Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси И. Искандеровнинг, лекция пропагандаси методикаси тўғрисида профессор Б. В. Луниннинг лекциялари тингланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг масъул ходимлари бир қанча лекция ўқидилар.

Семинар иштирокчилари лекция пропагандаси соҳасидаги тажрибаларни ўртоқлашдилар.

(ЎзТАГ).

Жаҳон янгиликлари

ПАРИЖДА УЧРАШУВ

ПАРИЖ, 9 январь. (ТАСС). Франция президенти В. Жискар д'Эстэн бу ерга келган Португалия ташқи ишлар министри Мариу Соареши қабул қилди. Улар халқаро аҳволни шунингдек, Португалиядаги вазиятни муҳокама қилдилар. М. Соареш сўҳбат давомида Португалия ўтказаётган мустамлакачиликни тугатиш сиёсати тўғрисида, шунингдек, мамлакат ҳаётини демократлаштириш мақсадида Португалия ҳукуматининг қилаётган ишлари тўғрисида Франция президентига ахборот берди.

В. Жискар д'Эстэн М. Соареш орқали Португалия президентини францияга келишга таклиф қилди.

Португалия ташқи ишлар министри учрашувдан кейин журналистларнинг саволларига жавоб бериб, мамлакатда диктатурага қайтиш хавфи йўқлигини таъкидлади. У, шунингдек, Португалия мустамлакачиликни тугатиш жараёнини охирига етказишга қатъий қарор қилганлигини айтди.

АҚШ ҲУҚУМАТИНИНГ МАЖЛИСИ

ВАШИНГТОН, 9 январь. (ТАСС). Бу ерда ҳукумат мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда иқтисодий проблемалар қараб чиқилди. Оқ Уй матбуот секретарининг хабар беришича, президент ҳузуридаги иқтисодий кенгаш раиси Гриспен мажлисда сўзга чиқиб қуйидагиларни айтди: «АҚШ экономикаси ёмон аҳволда ва унинг 1975 йил ўрталарида ёки иккинчи ярмидагина яхшиланишини кутиш мумкин. Ишсизликни эса, фақат 1976 йилдагина камайтириш мўлжалланади.

Президент Ж. Форд мажлисда сўзга чиқиб, яқинда конгрессга тақдим қилинадиган иқтисодий программа «жуда кескин» программа бўлади, деб уқтириб ўтди.

Ж. Форд иқтисодий масалалар хусусида яқинда сўзлаган нутқларидан бирида бундай деди: бизнинг экономикамиз оғир аҳволда. Бизда тушкунлик бор. Ишлаб чиқариш камаймоқда ва ишсизлар сони кўпаймоқда. Бундан ташқари АҚШга пулнинг қадр-қиймати тобора тушиб кетиш хавфи таҳдид қилмоқда.

БОЛГАРИЯ ЭКРАНЛАРИДА

СОФИЯ. (ТАСС). Ҳар йили Болгария кинотеатрларининг экранларига ўнлаб янги бадиий фильмлар чиқади. Кино томошабинлар 1975 йилнинг биринчи ярмидагина Болгария Халқ Республикаси кинематографчиларининг 10 та иши билан таниша оладилар. БХР кинематографчиларининг фильмлари социалистик Болгариянинг бугунги кунига, унинг кишилари — янги турмуш бинокорларига бағишланган. Бундан ташқари жаҳоннинг 22 мамлакатидаги кино студияларда яратилган 80 га яқин кино лента ҳам намойиш қилинади.

Болгария экранларида совет кинематографчилари яратган 25 та фильм кўрсатилади. Улар орасида режиссёр А. Михалков-Кончаловскийнинг «Севишганлар ҳақида қисса», режиссер В. Шукшининг «Қизил бодрезак» фильмлари бор.

ОСИЁДАГИ ТИНЧЛИК ИШИГА ТАҲДИД

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳинд океанида чет эл ҳарбий базаларини тузиш Осиёдаги тинчлик ишига таҳдид солади, деди Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди. Индира Ганди Ҳиндистонда визит билан меҳмон бўлиб турган Маврикий бош министри С. Рамгулам шарафига берилган зиёфат чоғида нутқ сўзлаб, бундай ҳаракатлар шу районда кескинликни кучайтиради холос, деб таъкидлади.

БИРДАМЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК, ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРАЙЛИК

ҚОҲИРА. (ТАСС). Яқин Шарқда янги уруш келиб чиқиш имконияти мавжуд бўлган, Американинг ҳукмрон доиралари эса, нефть чиқарувчи араб мамлакатларига қарши куч ишлатиш билан таҳдид қилаётган бир шароитда араблар халқаро миқёсдаги барча дўстлари билан ва биринчи навбатда Совет Иттифоқи билан бирдамликни кучайтиришлари ва мустаҳкам бирликка интилишлари керак, деди Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг аъзоси Ф. Ал-Қаддумий. У Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг ўн йиллигига бағишланган мажлисда сўзга чиқди. Ф. Ал-Қаддумий Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг кураши шу йиллар мобайнида анча мустаҳкамланганлиги ва ўсганлигини уқтириб ўтди.

ПЕРУ. Сан-Роман шаҳридаги аэродромдан САСА кампаниясига қарашли самолёт ўз бортига бир неча пассажирни олиб, Искасасинга қараб парвоз қилди. Белгиланган жойга етиб келишга ўн минут қолганда мотор ишдан чиқиб қолди. Учувчи катта қийинчиликдан сўнг машинани қўндиришга муваффақ бўлди. СУРАТДА: омон қолган пассажирлар.

АП—ТАСС телефотоси.

ЕРДА КЎПРОҚ НАМ ТЎПЛАЙЛИК

Мўл пахта ҳосили етиштириш учун шу кечаю-кундузда ўтказилиши зарур бўлган муҳим агротехника тадбирларидан бири яхоб суви беришдир. Яхоб суви беришнинг зарурлиги шундаки, сизот сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда чигитнинг кўкламда униб чиқиши учун нам етарли бўлавермайди. Бунинг натижасида катта майдонларда чигит суви беришга, бинобарин, чигитнинг униб чиқиши кечикиб дала ишлари чўзилиб кетади. Агар чигит суви берилгандан кейин ёғингарчилик бошланиб, ҳаво тўрроқли пасайиб кетса, ерни эҳ босади, чигит сийрак униб чиқади ёки илдиз чириш касаллиги пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммаси ҳосилнинг пасайиб кетишига олиб келади.

1974 йил кузи Тошкент области шароитида иссиқ ва қуруқ келди. Тупроқда нам кам бўлганлиги шудгорлашни сифатли ўтказишга бир мунча халал берди. Баъзи майдонларда ҳайдалган ер серкесак бўлиб қолди. Умуман тажрибали деҳқонлар худди шу кунларда яхоб суви беришга алоҳида эътибор берадилар.

Тупроқда етарли миқдорда нам тўпланмаслиги сабабли кўкламда ғўза кўчатларининг сийрак бўлиб қолиши ва бинобарин ҳосилнинг паст бўлишини биз жуда кўп мисоллардан биламиз. Масалан, бир гектар ерда 100 минг туп ғўза кўчати бўлганда ҳосил ўрта ҳисобда 38,4 центнердан, 83 минг туп бўлганда 35,2 ва 64 минг туп кўчат ўстирилганда 30,4 центнердан ҳосил олинган. 1974 йилда қайси хўжаликда кўчат кўп бўлса, ўша ерда ҳосил юқори бўлди. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, яхоб суви берилганда пахта ҳосили гектар бошига 2,5 центнердан 4,5 гача кўпайган. Бекобод районидаги юқори ҳосилли Ленин номли колхозда эса ҳосилдорлик 6 центнергача ошган. Шуниси характерлики, бу хўжаликда нам тўплаш учун суғорилган барча майдонларда ҳар гектар ерда 8—12 минг тўпдан кўчат ортиқ бўлиши ва бегона ўтларни икки баравар камайишига олиб келган. Чигит суви бериб, кўчат ундириб олинган майдонларга нисбатан ғўза 5—7 кун илгари шоналаган, ҳосилнинг пишиб етилиши ҳам 7—9 кун тезлашган. Бундай мисолларни бошқа районлардаги хўжаликлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Сизот сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда суви берилганда пахта ҳосили гектар бошига 2,5 центнердан 4,5 гача кўпайган. Бекобод районидаги юқори ҳосилли Ленин номли колхозда эса ҳосилдорлик 6 центнергача ошган. Шуниси характерлики, бу хўжаликда нам тўплаш учун суғорилган барча майдонларда ҳар гектар ерда 8—12 минг тўпдан кўчат ортиқ бўлиши ва бегона ўтларни икки баравар камайишига олиб келган. Чигит суви бериб, кўчат ундириб олинган майдонларга нисбатан ғўза 5—7 кун илгари шоналаган, ҳосилнинг пишиб етилиши ҳам 7—9 кун тезлашган. Бундай мисолларни бошқа районлардаги хўжаликлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Сизот сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда суви берилганда пахта ҳосили гектар бошига 2,5 центнердан 4,5 гача кўпайган. Бекобод районидаги юқори ҳосилли Ленин номли колхозда эса ҳосилдорлик 6 центнергача ошган. Шуниси характерлики, бу хўжаликда нам тўплаш учун суғорилган барча майдонларда ҳар гектар ерда 8—12 минг тўпдан кўчат ортиқ бўлиши ва бегона ўтларни икки баравар камайишига олиб келган. Чигит суви бериб, кўчат ундириб олинган майдонларга нисбатан ғўза 5—7 кун илгари шоналаган, ҳосилнинг пишиб етилиши ҳам 7—9 кун тезлашган. Бундай мисолларни бошқа районлардаги хўжаликлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Бекобод районининг иқлими ва тупроқ шароити областдаги бошқа районлардан кескин фарқ қилади. Бу районда баъзан шамолнинг тезлиги секундига 30—40 метрга етади. Бундан ташқари тупроқнинг механик таркиби оғир бўлгани учун кўклам ёғинлари натижасида қаттиқ қатқалоқ вужудга келади. Шамол гоҳо тупроқнинг пастки катламини ҳам қуритиб кетади. Шунинг учун бу район хўжаликларида кўклам дала ишларини айниқса уюшқоқлик билан пухта ўтказиш талаб қилинади.

Бу районнинг шамол кучли бўладиган зонасида январь ва февраль ойларида яхоб суви бермаслик керак. Чунки чигит эккунга қадар тупроқнинг нами бугланиб кетади. Бундай ерларда чигит кўпинча чигит суви бериш йўли билан ундириб олинади. Шу сабабли ҳам бу ерларда хокоб суви бериш мақсадга мувофиқдир. Райондаги Дзержинский номли колхозда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, январь ойида яхоб суви берилганда пахта ҳосили гектаридан 23,7 центнерни, март ойининг иккинчи ярмида хокоб суви берилганда эса 29,7 центнерни ташкил қилди. Аммо бу районнинг шамол зонасидан узоқ жойлашган хўжаликларида эса яхоб суви бериш зарур. Райондаги баъзи хўжаликлар кузги шудгорлашдан аввал ерни суғориб, сўнг шудгор қилдилар. Бу муҳим тадбирнинг ташаббускори «Коммунизм» колхози ҳисобланади. Натижада ер жуда сифатли ва чуқур шудгор қилинди. Бундай майдонларда ҳам кўкламда хокоб суви беришни талаб қилади.

Яхоб ва хокоб суви бериш эгатлар орқали ўтказилади. Ернинг нишаби аниқ кўзга ташланмаган майдонларда ҳар 1,2 метрдан эгат олинади. Нишаб ерларда эса суғориш эгатлари орасида 60—80 сантиметр бўлиши керак. Яхоб суви берилганда тўпроқ намга тўйинади, ҳар гектар ерга 1200—1500 куб метрдан сув сарфланади. Хокоб суви беришда эса гектарига 800 куб метр чамасида сув сарф қилинади.

Ерлар нам тўплаш мақсадида суғорилгандан кейин тупроқнинг юза қатлами етилиши билан дарҳол эгатларга кўндаланга борона босилади. Бунда тупроқнинг донадор — бўсусткашлигига йўл қўймоқдалар. Бу районда яхоб суви бериш атиги 59 процент бажарилган. Район бўйича 4176 гектар ерга яхоб суви бериш планлаштирилган. Бу рақам Бўка районидаги ишлаб чиқаришга ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Шундай зарбдор кишилар билан корхонада пешқадам ҳисобланган бу цех коллективи Москва шарафига эълон қилинган зарбдор декада мажбуриятини албатта ортиги билан адо этади.

Улар эстафетани 20 январда 1-механика цехи коллективига топширадилар. Бу коллектив Қаҳрамон шаҳар Ленинград шарафига зарбдор декада эълон қилади. Кейин эса эстафетани навбатдаги цехларнинг коллективлари қабул қилиб Одесса, Севастополь, Киев, Волгоград, Новороссийск, Брест, Минск, Керчь шаҳарлари шарафига бағишланган зарбдор уч кунлик вахтасида турадилар.

Х. ОЛИМЖОНОВ.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

—Янгийўл, Чиноз, Оққўрғон, Пискент, Бекобод ва Ўрта Чирчиқ районининг қир-адир зоналарида шунингдек, Калинин, Орджоникидзе, Оҳангарон, Бўстонлиқ ҳамда Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районларининг баъзи хўжаликларида қайси экин экилишидан қатъий назар, нам тўплаш учун суғориш шарт. Яхоб суви асосан январь ойи ичида узоғи билан февраль ойининг ўрталарига қадар берилади. Механик таркиби енгил бўлган тупроқлар сувни ўзида тутиб турмайди, тезда пастки қатламларга ўтказиб юборади. Шунинг учун бундай ерларда яхоб суви эмас, хокоб суви бериш мақсадга мувофиқдир. Бундай суғориш чигит экишдан тахминан 1,5—2 ҳафта олдин ўтказилади.

Шу ва бошқа шароитлар ҳисобига ер ишлаш тадбирларини кўриш зарур. Бизнинг фикримизча область хўжаликларида нам тўплаш учун суғориладиган майдонлар ҳозиргача планлаштирилганига нисбатан 2—2,5 баравар кўпайтирилиши керак. Мана шу тадбир тўлиқ амалга оширилганда чигитни эрта кўкламда тупроқнинг ўз намига ундириб олиш ва мўл ҳосил етиштириш учун катта замин вужудга келтирилади.

А. ИМОМАЛИЕВ,
В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, биология фанлари доктори, профессор.

Н. НОРМУҲАМЕДОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, доцент.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА „ҚАҲРАМОН ОНА" ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола тўққан ва тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ҳамда «Қаҳрамон она» ордени, СССР Олий Совети Президиумининг Ерлиқлари топширилсин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА:

Турдиева Қумри — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Юқори Чирчиқ райони.

Турсунбоева Раҳбар — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Калинин райони.

Убайдуллаева Болташ — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Янгийўл шаҳри.

Умаралиева Мнай — Юқори Чирчиқ районидаги «Паркент» совхози ишчиси.

Урмашова Бибигул — Орджоникидзе районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси.

Усмонова Нориниса — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Оҳангарон райони.

Фазлиддинова Фотима — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Чиноз райони.

Файзиева Қурбоной — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Чиноз райони.

Файзулова Замигул — ишчи, Янгийўл райони.

Ҳайдарова Зоҳира — Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози аъзоси.

Хайтматова Нури — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Юқори Чирчиқ райони.

Ҳакимова Ойбодоқ — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Калинин райони.

Ҳакимова Ўлман — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Ангрен шаҳри.

Холиқова Хабиба — Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли совхоз ишчиси.

Хамидова Зарифа — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Чирчиқ шаҳри.

Хасанбоева Мухаррамжон — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Юқори Чирчиқ райони.

Хожиматова Маъпират — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Ангрен шаҳри.

Хожиматова Шарофат — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Ангрен шаҳри.

Худойберганова Оққиз — Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз аъзоси.

Худойбердиева Жамила — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Чиннбекова Сора — Қуйи Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Шомирзаева Ихлим Эргашевна — ишчи, Олмалиқ шаҳри.

Шерматова Аропат — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Шукурова Муҳаббат — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Калинин райони.

Эргашева Аминахон — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Чиноз райони.

Эркабоева Иззат — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Оҳангарон райони.

Йўлдошева Тошбиби — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Калинин райони.

Юсупова Мели — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Юқори Чирчиқ райони.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
26 декабрь, 1974 йил.

Адабиёт саҳифаси

ВАТАН

Эй ватаним осмон бўлсанг,
Мен бир юлдуз эрурман.
Ёки улкан уммон бўлсанг
Мен бир томчи сувдирман.
Қуёш бўлсанг бир заррангман,
Дарахт бўлсанг бир меванг.
Она бўлсанг мен болангман,
Бажаргум сен не десанг!

☆ ☆ ☆

Дўст азиз мен-чун азиз умрим даги ҳар он каби,
Дўст азиз мен-чун азиз жисмимдаги шу жон каби.
Бўлмаса дўст ўйиму умримда маъно қолмагай,
Дўстларим меҳри муқаддасдир менга виждон каби.
Соф кўнгилли дўстларимга дилда ишқ дунёчадир,
Ҳар дақиқа меҳри дўстларнинг азиздир нон каби.
Не ажаб дўстлар қошига талпинар бўлса юрак,
Дўст ўзи юксак эрур, юксакдаги осмон каби.
Дўстларим баҳтим менинг, бахтсиз ҳаётни найлайин,
Мен улар бахтин қўриқлайман мудом посбон каби.
Ушбу шеърим дўстларимнинг кайфини чоғ айласа,
Дилгинам боғи, Муродий, яшнагай бўстон каби.

Мурод КАЛОНХОНОВ.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Ҳимматидан одам ҳам хизматига югурди.
Гуллар ҳам одам сифат, хушбўй, хил-хил, ранго-ранг.
Гўзалки одам акси, ё одам гул аксими?
Ҳайрон нақкош табиат ажратолмай аслини.
Шунда гуллар тебраниб, кўнглини ёриб қолди,
— Бунча барно эмасдик, сунбул, латиф сара ҳам.
Сочимиз кўрган эмас ақалли бир тароқ ҳам.
Ўзимиздек бўлсин деб ювиб-таради одам
Шундан буён суқланиб, ҳадеб боқади олам,
Шу дам хасис табиат хазинасини очди,
Одамларнинг бошидан бори-бутини сочди,
Ҳимматидан одам ҳам хизматига югурди.
Дарёларин етаклаб саҳрога бурди...

Чўлпон ЭРГАШ.

КУЛДИРГИЧИНГ

Мунчалар дилни ёқар
Ўзингга зеб кулдиргичинг,
Исму-жисминг, боқишинг,
Сўзингга зеб кулдиргичинг,
Сен ўзинг бўлсанг узук,
кўзи олтин бўлса гар.
Шунда мен айтар эдим,
кўзи деб кулдиргичинг.
Сен табассум айласанг,
кулдиргичинг жуфт ҳол бўлур,
Йўқ, гўзал бу ўхшатиш,
келмайди эп, кулдиргичинг.
Таърифига тил лолу,
ҳам тасвирига йўқ қиёс.
Тенги йўқ дунёдаги,
энг яхши сеп кулдиргичинг.
То Раҳим бўлгай ҳаёт,
айлагай минг илтижо,
Доимо бўл қошимда сен,
этсин насиб кулдиргичинг.

Раҳим РЎЗИЕВ.

ОДАМИЙЛИК ЗИЙНАТИ

Яхши хулқ бирла безанмак одамийлик зийнати,
Бўлса гар шарму ҳаёси камтаринлик одати.
Сўзнинг мағзида лаззат, боқишида марҳамат,
Илтифотида мурувват хайрихоҳлик хислати.
Ўзини сақлаб саломат, феъли шароратдан мудом,
Кўрсатур ҳусну латофат, хуш табиат сийрати,
Сақлагай тилни қабиҳ сўз наштари парроннидан
Дарғазаб бўлганда ҳам таъйир топмас ҳолати.
Хулқи-одоби чиройлик одамни ҳар ким ҳам севар,
Бўлғуси кўзгу жаҳонга эътибори ҳурмати.
Ҳеч киши бахти қаро бадном гуруҳдан бўлмасин
Нафрати элга дучор бўлғуси бадбахт сурати
Хушнудо ушбу замонда яхшиларнинг ёри бўл,
Бу саодат ҳар бир инсоннинг муборак давлати.

А. ХУШНУД.

ОҚШОМ

Оқшом. Олислардан келмоқда қўшиқ.
Бугун унда икки юрак бирлашур.
Хотирамнинг дарвозасин ланг очиб,
Кипригимга илиқ томчи илашур —
Ҳижрон каби шўр.
Оқшом. Олис кўкда юлдуз оқишдур.
Умид тўла орзуларим сингари.
Шу юлдуздек юрагимни ёқишур,
Кимлар кимга севги сотган тунларн —
Севгим сарсари.
Оқшом. Қушиқ келур: ёр-ёр, авжида,
Олисларга учиб кетмоқ истагим.
Юлдуз ёнар — ёнмоқ оғирдур жуда,
Ёнмоқ оғир... Оғир... Ёнгин юрагим,
Ёнгин...

Абдулҳамид МУҲАММАДИЕВ.

Энг бахтиёр кун.

СУРАТДА: Ойбек ва В. Луговской.
С. Маҳкамов фоторепродукцияси.

ОЙБЕК ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

АДАБИЁТИМИЗ ИФТИХОРИ

ЎЗБЕК СОВЕТ адабиётининг атоқли намойндаларидан бири Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ўзининг ёркин поэзияси ва улкан прозаси билан ўзбек совет адабиётининг шуҳратини бутун Иттифоқ ва қолаверса жаҳонга танитди.

Ойбекнинг биринчи шеърий китоби «Туйғулар» (1926) эълон қилинганида ҳали Ойбек узил-кесил ёзувчи бўлишни танлаган эмас эди. Шоирнинг иккинчи китоби «Кўнгил найлари» (1929) чоп этилганида эса Ўрта Осиё Давлат университетида иқтисоддан дарс бераётган Ойбек олдида — ёзувчи бўлиб узил-кесил адабиётни танлаш ёки иқтисод соҳасидаги билимларини ошириб, олим бўлиш йўлини танлашдай муҳим масалалар кўндаланг бўлиб турган эди. Шунда бутун вужуди, табиати билан адабиётга ихлос қўйган, уни севган Ойбек ёзувчиликни танлади. Мана шундан буён ёзувчи Ойбек сўнгги дақиқаларигача бадиий ижод билан шуғулланди.

Ойбек ўз ижодини илк бор шеъриятдан бошлади ва ўзбек адабиётида ёркин ҳаёт гўзаллигини гоят шодлик ва мамнуният билан тасвирлаган поэзияси билан шуҳрат қозонди. Шоирнинг «Қуёш қўшиғи» деб аталган шеърий китобида биз унинг ҳаёт гўзаллигини жуда ажойиб маҳорат ва ғурур билан тараннум этганини кўрамиз. Шоирнинг поэтик ижодида гуманистик ғоялар, инсонга бўлган улкан муҳаббат ҳисси зўр кўтаринки руҳда тасвир этилган.

Жанговар сиёсий лирика, Ойбекнинг поэтик ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. У ижодининг дастлабки йилларидаёқ бу соҳага мурожаат қилиб, ишчи образини яратишга интилган эди. Ойбек 20-йилларнинг охирида яратган «Ишчига» шеърида чинакам ҳаётнинг маъносини тушунган, янгилик ва борлиқни яратишга қодир бўлган синф образини гоятда ихчам формада чизишга интилди.

Ойбек ўзбек совет адабиётида ўзининг жуда ажойиб поэмалари билан танилди. Поэтик жанрнинг бу соҳасида ҳам ўчмас из қолдира олди ва ёркин образлар яратди. Ойбекнинг «Ўч», «Темирчи Жўра», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Ҳамза», «Дилбар давр қизи», «Қизлар», «Навоий», «Менинг бобом» каби ўнлаб поэмаларини мисол сифатида келтириш мумкин. Бу достонларда шоир биринчи навбатда инқилобий образларнинг ёркин характерини яратишга интилганлигини ва бу ниятига эса эришганини кўрамиз.

Ойбек «Ўч» достонида ҳали инқилобнинг моҳиятига тушунмаган, аммо зулмга, бойларга қарши бўлган, лекин кўнгли нимани истаса ўшани қилишга интилиб юрган Холхўжанинг образини яратган бўлса, «Темирчи Жўра» достонида инқилоб учун жонини қурбон қилишга тайёр турган ва ҳаётини бахш этган Жўра кофирнинг ёркин образини яратишга эришади. «Ҳамза» достонида эса ўзбек адабиётининг буюк шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Холхўжалар ҳаётига келтирмаган, аммо, нима билан ҳам адолатли замонни қўмсаган, Темирчи Жўра орзу қилиб, шу йўлда қурбон бўлган жамиятни мустаҳкамлаш учун бутун ҳаётини бахш этди. Агар мана шу уч достоннинг тадрижий ривожига назар ташласак, биз бир-бирини тўлдириб келаётган инқилобий образларнинг шаклланиш ва камолотга етиш жараёнини кўрамиз.

Ойбекнинг номини бутун Иттифоққа, қолаверса жаҳонга танитган унинг бадиий юксак прозаси бўлди. У 1939 йили ўзининг «Қутлуғ қон» романини яратиб, ўзбек адабиётида тарихий романчиликнинг юксалишига катта ҳисса қўшди. Мазкур роман ўзбек адабиётида инқилобий мавзунинг юксак бадиий формада ифода этилганлиги билан ҳам характерлидир. Ёзувчи бу асарда содда қишлоқлик йигит Йўлчининг ҳаёти ва фаолияти асосида ўзбек халқининг инқилобий ҳаракатини ифода этишга муяссар бўлди. Бу образ рус ишчиларининг ёрдами туфайли инқилоб арафасида шаклланиб етган ва инқилобий ҳаракатда тайёр турган образнинг намунаси бўлиб қолди.

«Навоий» романи Ойбек ижодидагина эмас, бутун совет адабиётида катта ютуқ бўлди. Бу асарда муаллиф ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий образини яратиш билангина кифояланиб қолмасдан, шунингдек халқимизнинг 500 йил аввалги ҳаётини, ижтимоий тузумни, унинг моҳиятини кўрсатишга ҳам муяссар бўлди. Шунинг учун ҳам совет адабиётининг таниқли вакилларидан бири Николай Тихонов қўйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган эди: «Ойбек у даврнинг (XV аср) ҳаққоний манзарасини ва улуг инсоннинг бутун фожиасини ўқувчига яққол гавдалантириб берди. Бу роман китобхонларнинг катта доирасига ўша замонлардаги Ўрта Осиё ҳаёти ҳақида ўнлаб тадқиқотлардан кўра кўпроқ нарса беради. Ойбек ўзбек тилида биринчи тарихий романнинг туғилишини кўрсатди. У ўзбек ёзувчиларига халқнинг ўтмиши ва ҳозирги кунини реалистик тасвирлашнинг катта йўлини очди».

Шундан кейин Ойбек «Нур қидириб», «Қуёш қораймас», «Олтин водийдан шабодалар», «Улуг йўл», «Болалик» каби қатор роман ва повестларни ўқувчиларга тақдим этди. Буларда покистон халқининг инқилоб учун олиб борган кураши — Аҳмад Хусайн ва Муҳаммад Жамол каби образлар тимсолида, халқимизнинг немис босқинчиларига қарши буюк жасорати — Бектемир, Асқар полвон каби қаҳрамонлар мисолида ўз ифодасини топган бўлса, «Олтин водийдан шабодалар» романида ёзувчи Улуг Ватан урушидан кейин халқимизнинг қайта тиклаш йилларидаги меҳнат фронтида кўрсатган буюк жасоратини гоят юксак кўтаринки бир формада тасвир этди.

Ёзувчи ҳаётининг сўнгги йилларида «Қутлуғ қон» романининг мантиқий давоми бўлган «Улуг йўл» романини яратди. Бу романда ёзувчи Ўзбекистонда Улуг Октябрь инқилоби арафаси йилларида маҳаллий бойларнинг тормор келтирилишини кўрсатишга муяссар бўлди. Ниҳоят ёзувчи «Болалик» повести орқали ўз ўтмишига саёҳат қилди ва ўзининг болалик йиллари орқали халқимизнинг ўтмишини ҳам кўрсатишга эришди. Бу повесть Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган эди.

Шу ўринда Ойбек ижоди учун жуда характерли бўлган бир ҳолатни таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ойбек ўзи ёрдам планда қаламга олмоқчи бўлган мавзуни биринчи бор шеърда, ниҳоят достонда ва ундан кейин романда тасвирлаб, унинг тадрижий кенгайиш жараёнини ҳам кўрсатишга интилар эди. Адабиётшунос профессор Лазиз Қаюмов ёзувчининг ижодидаги бу хусусиятни жуда образли ифода этиб, Ойбекнинг шеърларини ғунчага, достонларини гулга, ёрдам проза асарларини эса гулдастага қиёс қилган эди.

Хуллас, Ойбек ўзбек адабиётида жуда катта мерос қолдирган ва ўзининг ана шу улкан ижоди билан ўзбек адабиётининг чинакам ифтихори бўлиб қолган адибдир. Орадан неча юз йиллар ўтса ҳам бу адиб ўзининг ажойиб ўлмас асарлари билан халқимизнинг қалбида ҳамиша яшайди.

Ёқуб ЯКВАЛХУЖАЕВ.

ҚИШЛОҒИМГА

Бу замон ўғлингни бағрингга олгил,
Зангор тоғлар ичра яшнаган қишлоқ.
Муқаддас илҳомнинг қалбимга солгил,
Менинг киндик қоним тўкилган тупроқ.

Болаликдан бағрингда улғайдим, ўсдим,
Шаънингга шеър битдим ўн беш ёшимда.
Юлдуздан тож ясаб эгилдирдим,
Беҳудуд фалак ҳам сенинг бошингда.

Менинг юрагимда ўтли сатрлар,
Ҳали битганим йўқ гўзал бир достон.
Ҳамма фарзандинг ҳам дилдан қадрлар,
Деҳқонинг сени деб уйди хирмон...

Фурсатлар бормоқда сув каби оқиб,
Буюк туйғу унут бўлмагай бироқ.
Ватан тушунчасин илк бор уйғотиб,
Дилда етилтирган ўзингсан, қишлоқ!

Туроб ЮСУПОВ.

БУЛУТ

Эртакдаги муъжизасимон
Улкан булут сузар оҳиста.
Гоҳ тутақар бамисли қоплон,
Гоҳ жилмаяр мисли гулдаста.

Баъзан қизлар юзидай оппоқ,
Баъзан душман қалбидай қора.
Гоҳо айиқ, гоҳида тойчоқ,
Гоҳо кўпик тошган тоғора.

Гоҳ тоғларга ўрмалар беҳол,
Судралгандай ўқ теккан бургут.
Ҳа, оламнинг актёри мисол
Ҳар хил тусга киради булут.

Болаликда булут кўрсам, рост,
Биқинардим онам қўйнига.
Гўё босиб келгандай беҳос
Осилардим отам бўйнига.

Энди менинг ёшим улғайган,
Ийроқ эрур қўрқинчли туйғу.
Аммо ҳамон кўрсам, дафъатан
Хаёлларга чулғаб кетар у.

Абстракционист ижоди монанд
Ер искамас оёғи, бироқ
Негадир у бизлардан баланд,
Ерга тушир, момоқалдироқ!..

Анвар ИМИНОВ.

КАСАЛЛИК

(ИНТЕРМЕДИЯ)

(Хилват жойда Ғийбатжон билан Ваҳима суҳбат қуришмоқда).

ҒИЙБАТЖОН: (Керилиб). Мен ўзимнинг кўп йиллик иш фаолиятимда ғиво, фисқу-фасод, кўролмаслик ва маломат тошлари билан тўлган қопларимнинг 16 тасини бўшатибман. (Кулиб) Сенга ёлғон, бошқаларга чин, бу тошлар не-не одамларнинг ёстиғини қуритмади, дейсан! Қанчадан-қанча қора кўзларни сарсон-саргардон қилганимни санаб, саногига етолмайман. Нишонга теккан тошларимнинг азобига бардош беролмай неча-неча оилалар бузилди. (Завқланиб). Айниқса, эндигина ғунча очган ёш ниҳолларни очилмай сўлдирганимни айтмайсанми? (Керилиб). Шунча ишларни қилсам-да, барибир қўлга тушмайман. Чунки мен гарчи озчиликни ташкил қилсамда, қора ниятли одамлар билан бирга яшайман. Ана, шунинг учун ҳали мен жуда қудратлиман. Уқдингми?!

ВАҲИМА. (Кесатиб). Сенинг бу қилган ишларинг менинг қилган ишларим олдида икки пулга қиммат экан. Ҳар қанча мақтанганинг билан барибир мен билан беллаша олмас экансан. Чунки сен туҳмат, ғийбат, фисқу-фасод тарқатишдан нарига ўта олмайсан. (Керилиб). Менинг ҳар бир оғиз сўзимдан дунё ларзага келади. Номимни эшитган ҳар бир кишининг кўзидан уйқу қочади. Юрагида эса, қўрқув пайдо бўлади. Ўзини ақл-заковатда тенги йўқ деб билган инсонлар ҳам менинг номимни эшитишлари билан ваҳимага тушиб қолишади. (Кулиб). Сен фақатгина қора ниятли одамлар юрагида яшайсан. Мен эса лақма, содда дил одамлар юрагига кириб оламанда, кўнглига гул-гула соламан. Ана ундан кейин уларнинг ташвишга тушиб қийналишларини мириқиб томоша қиламан.

ҒИЙБАТЖОН — (Шошиб). Қандай қилиб одамлар юрагига кўрқув соласан?

ВАҲИМА — (Кулиб). Жудаям содда экансан! Бундан осон иш борми?! Елгондакам «Бугун фалон балл ер қимирлайди», ё бўлмаса «Сув тошқини кутилади» деб, бир иккита лақма ўртасида гап тарқатсам бўлди, у ёғини соддадил одамларнинг ўзлари бичиб-тўқиб, ёнига ўнта ёлғонни қўшиб, ҳамма ерда шов-шув кўтаришади.

ҒИЙБАТЖОН — (Хурсанд). Талантингга қойилман, дўстим! Очиғини айтганда, сенга ўхшаганлар билан танишиш орзусида юргандим. Мана ниятимга ҳам етдим. Агар рози бўлсанг, бундан буён биргаликда иш олиб борсак.

ВАҲИМА — (Қўл бериб). Таклифингга розиман. (Сўнг ўйланиб). Аммо, сен тилинг қичиб менга ғийбат қилмайсан, келишдикми?!

ҒИЙБАТЖОН — Ваҳима қилма!.. (Шу пайт эшик тақиллайди).

ВАҲИМА — (У ёқ бу ёққа қараб) Ким у?!

(Ташқаридан «Мен ҳақиқатман» деган дадил овоз эшитилади. Ғийбатжон билан Ваҳима қўрқувдан ранглари ўчганча турган ерларида қотиб қоладилар).

Мирҳосил ТЎРАБЕКОВ.

«БАҲОР» қизлари. А. Тўраев фотоэтюдлари.

ГЎЗАЛСАН

Кўзларингда меҳринг бор,
Юрагимда муҳринг бор.
Яна қандай сеҳринг бор,
Нега яхши кўраман,
Ҳар кун тушда кўраман?

Юрагим шифобахши
Садоқатинг — ишқ нақши.
Ҳаммасидан ҳам яхши —
Сенда поклик кўраман,
Мангу яхши кўраман!

Муроджон РАҲМОНОВ.

МЕН УРУШНИ КЎРМАГАНМАН, ЙЎҚ

Мен урушни кўрмаганман, йўқ,
Аммо унга нафратим чексиз.
Кимларнидир ғалвир қилди ўқ,
Кимлар қайтди қўлсиз, оёқсиз...
Улимларни қолдириб доғда,
Сафимизда турдилар яна.
Қийналсада қўлтиқ таёқда,
Кўп қатори юрдилар яна...

Берай десанг уларга нажот,
Ширин сўз топ, бир оғиз,
ўрток.
Улар меҳр қўймаса ҳаёт
Бўлмас эди бунчалик порлоқ!

Турсун МАМАТОВ.

СУДДА КЎР УНИ

Тўйма тўй бошлаб юрар тўймас бу нафс қурғур уни,
Эл аро отарчиликда айлади машҳур уни.
Катта очгай ғамза қилса, баъзи нодон киссасин,
Тўйга борса қочади кўрган киши бултур уни.
Беҳаё сўзларни айтиб қулдирар бир нечани,
Ўнталикни қистириб, хоҳ сўк уни, хоҳ ур уни.
Умр тилар у ўйину созни чиқарган устага,
Ўйину танбур қанотдай айлади, «учқур» уни.
Икки қўллаб кўришар, қаддин букиб таъзим этар,
Илжайиб устоз деяр, ҳар жойда текинхўр уни.
Санъат аҳлин номига қилмишлари доғ келтирур,
Қилмиши фош бўлса борми, унда судда кўр уни!

Жонибек ҚУВНОҚ.

ИЖОДКОР СТУДЕНТЛАР

Давримизнинг етук мутахассиси бўлиб етишиш ҳар бир студентнинг эзгу мақсадидир. Улар фанларни чуқур ўзлаштириш ниятида илмий жамиятларда актив қатнашиб, ўзлари қизиққан мавзуларда докладлар қилмоқдалар.

Тошкент политехника институтида студентларга бу йўлда барча қулай шароитлар яратиб берилган. Химия-технология факультети студентларини илмий-техник мунозараларида, лабораториялардаги жиддий тажрибалар устида учратиш мумкин. Студентлар аудиторияларда олган назарий билимларини практикада мустаҳкамламоқдалар.

Факультетнинг ноорганик моддалар технологияси, органик ва нефть-химия синтези технологияси, физик-химия, пластмассалар технологияси каби кафедраларида студентларнинг илмий иш билан шуғулланишларига айниқса катта аҳамият берилади. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораторияларда илмий жамиятнинг 300 дан зиёд аъзоси кузатиш олиб бормоқда.

Ўтган йилги илмий тадқиқот ишларининг натижалари қувончли бўлди. 20 га яқин студент Азизбеков номли Озарбайжон нефть ва химия, Таллин политехника, Москва озиқ-овқат саноати институтларида бўлган илмий конференцияларда иштирок этди. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида студентларнинг 3 та илмий иши намойиш этилиб, факультет довруғи янада ошди.

Студентлардан М. Раҳимжонов, М. Хожиевлар профессор Н. Юсуфбеков, доцент Р. Мирзакаримов, техника фанлари кандидати А. Ортиқов раҳбарлигида олиб борган илмий-тадқиқот ишлари учун биринчи ва иккинчи даражали дипломлар билан тақдирланишди.

Студентларнинг илм-фан соҳасида қўлга киритган ютуқлари ишлаб чиқаришда ҳам кенг қўлланилмоқда. Масалан, V-курс студенти А. Мансуров лаборатория йўли билан синтез қилиб олган тезлаштирувчи модда Тошкент кабель илмий-текшириш институтининг тажриба заводида синовдан ўтказилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Тадқиқотчи студент Абдуқаюмнинг химиявий усул билан ажратиб олган янги моддаси резина пишириш вақтини икки марта камайтиради, меҳнат унумдорлигини 2—2,5 баравар оширади. Бундай ёш ижодкорлар факультетда кўплаб топилади. А. Эшқозоқов, С. Сафоев, П. Эшонулов, М. Раҳмонов каби студентлар амалий машғулотларда актив қатнашмоқдалар.

Студентларнинг фан сирларини ўрганишларида уларга севимли устозлари — профессорлар Х. Р. Рустамов, А. Б. Қўчқоров, Ф. Ҳ. Тожиев, доцент Н. Исмонлов, Я. Ғофуржонов, Б. Қодиров ва бошқа ўқитувчилар уларга яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ш. НУРУЛЛАЕВ,
илмий ходим.

КИЧКИНТОЙЛАР СОҒ БЎЛСИН

Серқуёш республикамизда ҳозир медицина илмий-текшириш институтларидан ўн учтаси ишлаб турибди. Яқин орада улар қаторига яна бир тадқиқот ўчоғи қўшилади.

Республика педиатрия илмий-текшириш институтининг акушерлик ва гинекология бўлими базасида ташкил этилаётган бу янги шифобахш даргоҳнинг истиқболи катта. Унинг ихтиёрида уч юз ўринли клиник касалхона ҳам ишлайди.

Асбоб-ускуналар билан тўла таъминланадиган лабораториялар ва кабинетларда ходимлар тадқиқотлар билан машғул бўладилар. Ўрта Осиё педиатрия медицина институти билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди.

Янги институт пойтахтимизнинг Юнусобод массивидаги кўп қаватли бинода ўз фаолиятини бошлайди.

Пойтахтдаги Чилонзор районида жойлашган республика ёш физик-математиклар интернати талабалари республика ва Бутуниттифоқ миқёсида ўтказилаётган олимпиадаларда муваффақиятли қатнашишмоқда. Физика ва математикага оид турли қўлланмалар ҳамда кабинетлар ўқувчиларга қўл келмоқда.

Суратда: ўқитувчи Г. Саъдуллаева интернат талабалари билан навбатдаги машғулотда.

А. Чаплигина фотоси.

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК САҲИФАСИ ПОЧТАСИДАН

ҲАММАГА ЎРНАК

Сўқоқлик Ўктам Ёқубов яқинда ўз қишлоғида ўн кунлик отпускасини ўтказиб, яна қисмимизга қайтиб келди. У ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда эришган аъло кўрсаткичлари учун ўн кунлик отпуска билан мукофотланган эди.

Қуролдошимиз Ўктамни қисмдаги барча солдатлар ҳурмат қилади. У оддий солдатликдан қисқа вақт ичида ефрейтор даражасига кўтарилди. У бошлиқ бўлимма ҳарбий машқларда актив қатнашиб, бир неча бор командирликнинг раҳматномасига сазовор бўлган.

Э. ИСМАТУЛЛАЕВ,
оддий солдат.

ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Ҳарбий хизматнинг ҳам ўзига хос гашти бор. Ҳар доим ўз тенгқурларинг билан бирга бўласан. Машқларда ҳам, дам олишда ҳам бир-биримизга ҳамроҳмиз. Дастлаб айрим йигитлар қайноқ солдатлик ҳаётига қуниколмай юришди. Лекин, дўстлар мадади билан улар кейин активлашиб кетдилар.

Машғулотлар бизда рус тилида олиб борилади. Қуролдошларимизнинг аксарияти ўрта мактабларни, ўрта махсус билим юртларини битириб келишган. Ҳаммамиз рус тилини яхши эгаллаб олганмиз. Шу дамларда ўзим ўқиган Бўка районидаги Карл Маркс номли 1-мактаб рус тили ўқитувчиси Лидия Васильевнага қалб ташаккурини изҳор этгим келади. Лидия Васильевна қунт билан бизга иккинчи она тилимиз — рус тилини ўргатган эди. Армия хизмати даврида рус тилини билганлигимиз жуда ҳам қўл келмоқда. Ўтказилаётган машғулотларни яхши тушуниб, ҳар бир техникани пухта эгаллаб олмоқдамиз.

Х. АСРОҚУЛОВ,
кичик сержант.

МУҲИМ МАВЗУ

Бу йил совет кишилари ва барча прогрессив инсоннят Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқи қозонган буюк ғалабанинг 30 йиллигини кенг нишонлайди. Институтимиз коллективи ҳам бу тарихий санага бағишлаб қатор тадбирлар ўтказмоқда.

Яқинда бир группа студентлар Москва, Ленинград, Волгоград шаҳарлари бўйлаб сафар қилдилар. Ўзбек жангчилари курашган жанг майдонларини бориб кўрдилар. Энди тарих факультети студентлари Буюк ғалабанинг 30 йиллиги мавзуида курс ва диплом ишлари ёзмоқдалар.

Д. ЖУМАНИЕЗОВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти студенти.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ХАБОРОТ спорт

ЧЕМПИОНАТ ТАРАДДУДИ

Мамлакатимиз терма командаси футболчилари ўз мавсумларини бу йил барвақт бошлашади. 2 апрелда улар Европа чемпионатининг саралаш турнирида Туркия терма командаси билан учрашадилар. Бундан олдинроқ — март ойида эса «Арарат» ва Киевнинг «Динамо» командалари жиддий синовдан ўтишади. Улар Европа кубок ўйинлари чорак финал матчларида қатнашади. Олдинда муҳим учрашувлар турибди. Шу боисдан ҳам СССР биринчи терма командаси учун база бўлиб хизмат қилувчи Киевнинг «Динамо» командаси расмий учрашувларга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Киев динамочилари янги мавсумга ҳозирликни ўтган йилнинг 24 декабрида бошлашган эди. Улар 8 январгача Киевнинг спорт базаларида машқлар ўтказишди. Кеча команда Югославияга жўнаб кетди. Бу ерда 28 январгача бўлиб, кучли маҳаллий командалари билан ўзаро учрашувлар ўтказади. 29 январда эса динамочилар Лиссабонда Португалия терма командаси билан куч синашишни мўлжаллашмоқда. Сўнг команда аъзолари ва СССР биринчи терма командаси рўйхатига киритилган номзодлар Қора денгиз бўйида йиғилиб, контроль ўйинларда қатнашадилар. Пухта ҳозирлик кўрилгач, СССР терма командаси Туркия терма командаси билан беллашмоқ учун чемпионат майдонига тушади.

МЕДАЛЛАР МУБОРАК

Фигурали учиш бўйича Киевда ўтаётган мамлакат чемпионатининг дастлабки босқичи якунланди. Жуфт бўлиб учишда москвалик машҳур спортчилар Ирина Роднина ва Александр Зайцев яна бир бор ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Улар 142,14 балл тўплаб, чемпионатнинг олтин медалларига сазовор бўлдилар.

Кумуш медаллар ҳам Москвалик спортчиларга насиб бўлди. 131,9 балл тўплаган Надежда Горшкова ва Евгений Шеваловский иккинчи ўринни эгалладилар. Бронза медалларини эса 130,23 балл билан ленинградлик спортчилар Марина Леонидова билан Владимир Боголюбов қўлга киритдилар.

ДУШАНБЕДА ҒАЛАБА

«А» класси биринчи группасида қатнашаётган баскетбол командаларининг мамлакат чемпионатида навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Бу гал ТошДУнинг «Университет» командаси Душанбеда маҳаллий «Динамо» баскетболчилари билан мусобақалашди.

Учрашувларда меҳмонлар маҳорати алоҳида сезилиб турди. Улар биринчи кун 83:62 ҳисобида ғолиб чиқишган эди. Иккинчи куни тошкентликлар ҳужумни яна ҳам кескин бўлди. Пировардида улар 97:66 ҳисобида муваффақият қозондилар.

«Динамо» командаси 18—19 январь кунлари Тошкентга ташриф буюради. Навбатдаги беллашувларда ҳам «Университет»га омад тилаймиз.

ИНСТИТУТ ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон санитария-гигиена ва касалликлар профилактикаси илмий-текшириш институти ўзининг 40 йиллик юбилейини нишонлади. Ўлка гигиена фани ва республикада санитария хизматини ташкил этишни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган бу илм даргоҳида ҳозир 4 та бўлим ва 15 та лаборатория бор. 100 дан зиёд илмий ҳодим изланиш билан банд.

Институт иссиқ иқлимли ўлка гигиенасини ўрганиш масалалари билан шуғулланувчи асосий муассаса ҳисобланади. Ижодий коллектив Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлиги программасига кирган муҳим проблемаларни ҳам ҳал этмоқда.

Ш. АЛИМОВ.

МАКТАБДА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

Калинин районидаги 76-мактаб бошланғич партия ташкилоти ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясига алоҳида аҳамият бермоқда, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ умумий таълим мактабларни иш шароитларини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги (1973 йил, июль) қарорига асосан қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Партия йиғилишлари кун тартибига меҳнат тарбияси масаласи тез-тез қўйилянти. Ильич номли колхоз партия ташкилотининг мактаб коллектива билан бу борадаги ҳамкорлиги яхши натижа бераянти. Мактабда меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ўтказилянти. Колхоз ветеранлари Маҳкам Алиев, Ахмад Олимов, Анвар Аҳмедов, пешқадам бригада бошлиғи Тошхўжа Юсуфалиев ва бошқалар билан ўтказилган кечалар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Мактаб бошланғич партия ташкилоти ўз йиғилишларидан бирида узумчилик бўйича ўқувчилар звеносини тузиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Ёш боғбонлар ўтган йили 7 гектар токзорнинг ҳар гектаридан ўртача 12 тоннадан ҳосил йиғиб олдилар. Хўжаликнинг уста соҳибкорлари ўқувчиларга яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Ёш миришкорларнинг меҳнати муносиб тақдирланди. Ўтган йилги ўқувчи-ёшлар бригадалари республика слётида улар Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг дипломи билан мукофотланди.

Ўқувчилар колхоз далаларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олишда яқиндан кўмаклашдилар. Улар кучи билан 600 тоннадан зиёд сабзавот ҳосили йиғиб-терib олинди.

Юқори синф ўқувчилари мустаҳкам ем-хашак базаси яратишда актив қатнашиб 20 гектардаги силосбоп маккажўхоридан 500 центнердан кўк поя, 8 гектар ерда 400 центнердан озуқа лавлагиси етиштиришга эришдилар.

— Меҳнат тарбияси,— дейди мактаб бошланғич партия ташкилоти секретари Э. Жабборов — таълим-тарбия ишининг самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

А. ХАТАМОВ.

МАШҒУЛОТ МАЗМУНЛИ ЎТДИ

Тошкент ишчи-деҳқон мухбирлари университети тингловчиларининг кеча бўлиб ўтган машғулотида уларни қизиқтириб келган «Радио ва телевидение учун материаллар тайёрлаш хусусиятлари» темаси бўйича Ўзбекистон телевидение студиясининг ўсмирлар ва болалар эшиттириш редакциясининг бош редактори, СССР Журналистлар союзининг аъзоси Ўғилой Юсуфжонова, саноат редакциясининг редактори Нигора Алимова ҳамда «Ҳар бир мухбир фотони ҳам билиши лозим» деган темада СССР Журналистлар союзининг аъзоси тажрибали фотограф Владимир Рацек лекция ўқиди.

Тингловчилар университетнинг бу иккинчи ўқув йилида программа бўйича «Халқ назоратчилари ва ишчи-деҳқон мухбирлари», «Матбуотда меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларининг ёритилиши» каби қатор темаларда тажрибали журналистларнинг суҳбат ва лекцияларини тингладилар.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

Забайкалье темир йўлида дастлабки қатновлар 1899 йили бошланган эди. Узунлиги бир неча чақиримдан иборат бўлган бу темир йўл ҳозирда бир неча юз километрни ташкил этади. Темир йўлчилар беш йиллиқда 117 миллиард тонна-километр юк ташиш ва йўл босишга аҳд қилишган. Суратда: Забайкалье темир йўлида қатнов пайти.

Г. Качальян фотоси.

●

МОСКВА. Пойтахтдаги Октябрь революцияси орденли 2-соатсозлик заводининг «Слава» маркаси билан чиқараётган соатлари жаҳоннинг қарийб 70 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Суратда: корхонанинг энг илғор бригадаларидан (чапдан) З. Забраилова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Похмельнова, мастер Е. Холмакова, О. Сухоцкая ва Т. Родина ўртоқлар.

Ф. Кримский ва В. Христофоров фотоси.



Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.40 — ТОШКЕНТ. 17.45 — **Маугли** (мультфильм). 18.05 — Балет-эртак. 18,35 **«Ахборот»**. 18.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.20 — Шифокор минбари. 19.50 — Концерт. 20.55 — **«Ахборот»**. 21.15 — МОСКВА. 22.15 — **«Вақт»**. 22,45 — Бадиий фильм. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 16.00 ТОШКЕНТ. 17.40 — МОСКВА. **Хайвонот оламида.** 18.40 — **Зумрад шаҳар сеҳргари** (10-серия). 19.00 Янгиликлар. 19.15 — Спортлото. 19,30 — «Голубой огонёк» 21.15 — Цирк томошалари. 22.15 — Ҳужжатли кино экрани. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.40 — **ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/Да **Чио-чио-сан**, 12/Да **Оққуш нўли** (12.00), **Кармен** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/Да **Олтин девор**, 12/Да **Абу Райҳон Беруний**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 11/Да **Кулги кечаси**, 12/Да **Нурхон**, 13 /Да **Тошболта ошиқ**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/Да **Ойдин** (15.00), 12/Да **Нон, қон, инсон** (16.00)

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Цирнда арча**, «СЕҲРЛИ ҚЎЛ» ЯНГИ ЙИЛ ЦИРК ТОМОШАЛАРИ (15,00).

КИНО

Янги центрионлар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ, НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Еғлиқ иш — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (12.00, 14.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 18.00), «МОСКВА» (19.30, 21,30), «ДРУЖБА» (12.00, 16.00, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Севишганлар қиссаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Есения — «ЧАЙКА» (16.00, 18.30, 21.00).

Машаққатли севги — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Экран юлдузи — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «МОСКВА» (10.00, 12.00, 16.00).

Қиш ва икки портфель — «НУКУС» (10.00).

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯ БЮРОСИ

ТУРИСТ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИ

КОМФОРТАБЕЛЛИ «ТУРИСТ» АВТОБУСИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИНИНГ ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЖОЙЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ, МУЗЕЙ ВА ТЕАТРЛАРГА БОРИШГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ПУТЕВКА БЮРОСИ — бориб-келиш, овқат, экскурсия хизмати, музей ва театрларга бориш билан бирга 30 кишилик группа учун 233 сўм.

ЭКСКУРСИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ТАДБИР БЕЛГИЛАНГАН КУНДАН 7 КУН ОЛДИН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Путёвкани нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олиш мумкин.

Справкалар учун адрес: 700061, Тошкент-61, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй. Телефон 32-09-72.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, эълонлар — 338142.

Р—03127. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64634 Б — 2467.